381-модда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

381 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қушимча киритиш туррисида (Узбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёр-мой тарморини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари туррисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПК—1401-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёг-мой тармогини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ−1401-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.
- 2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

## Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2010 йил 4 ноябрь, 243-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 243-сон қарорига ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қушимча

- 1. Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджетга акциз солиги тушишини назорат қилувчи молия инспекторлари лавозимларини жорий этиш тўгрисида» 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарорига 1-иловадаги «Ёгмойтамакисаноат» уюшмаси» ва «Ўзкимёсаноат» уюшмаси» бўлимлари чиқариб ташлансин, жами «28» рақами «6» рақами билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ва сотишни давлат томонидан назорат қилишни кучайтиришга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» 1998 йил 23 декабрдаги 532-сон қарорида:

- а) 1-иловадаги IV қисм ва эслатмадаги «\*\* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 ноябрдаги 418-сон қарори билан «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг 19 корхонасида Молия вазирлигининг молия инспекторлари лавозими жорий этилган» сўзлари чиқариб ташлансин;
- б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия инспекторлари тўгрисидаги низом (2-илова)нинг 1-бандида:

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён килинсин:

«Молия инспекторлари лавозимлари жорий этиладиган корхоналар руйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан тасдиқланади (этил спирти ва алкоголли махсулотлар, шунингдек ўсимлик (пахта) ёги ишлаб чиқарадиган корхоналар бундан мустасно)»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

- «Усимлик (пахта) ёги ишлаб чиқарадиган корхоналарда молия инспектори лавозими Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, уларнинг устав жамғармасида камида 51 фоиз давлат улуши булган, уларга техник пахта чигити етказиб бериш назарда тутилган ёг-мой тармоги корхоналари руйхатига киритилишига кура жорий этилади (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республиканинг ёг-мой тармогини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» 2010 йил 7 сентябрдаги ПҚ-1401-сон қарорига 1-илова), корхона ушбу руйхатдан чиқарилган тақдирда эса курсатиб утилган лавозим қисқартирилади».
- 3. Вазирлар Махкамасининг «Давлат томонидан акциядорлик жамиятларини бошқаришда иштирок этиш махсус хуқуқи («олтин акция»)дан фойдаланиш тартиби тўгрисида» 2007 йил 24 июлдаги 151-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 42-модда) 2-бандидаги «ва ёг-мой» сўзлари чиқариб ташлансин.